## ПАРТИЯ ТУРМУШИ

### *Ишчан агитаторлар*

Қорасув районидаги Жданов номли колхоз партия ташкилоти сабзавот экинларини парвариш қилиш ва уларни ўз вақтида йиғиб-териб олиш ишларига етакчилик қилмоқда. Колхоз агитаторлари оммавий-сиёсий, ташкилий ишларни ҳарқачонгидан ҳам жонлантириб юбордилар. Агитпунктга 28 агитатор уюшган. Партия ташкилоти ҳар 10 кунда агитаторлар блан семинар ўтказиб туради. Бунда агитаторлар ўз иш тажрибаларини ўртоқлашадилар. Семинарларга актив қатнашаётган Т. Саматов, У. Турсунбоева, О. Собиров каби агитаторлар колхозчиларнинг дам олиш пайтларида улар ўртасида тез-тез суҳбатлар ўтказиб турадилар. Газета янгиликларидан, халқаро аҳвол ҳамда илғор колхозларнинг иш тажрибаларидан сўзлаб берадилар. Улар суҳбат ўтказиш олдидан турли хил адабиётлардан фойдаланадилар, ўз суҳбатларини кўргазмали материаллар, жонли фактларга боғлаган ҳолда олиб борадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг колхозчилар блан олиб борган суҳбатлари қизиқарли ва та'сирчан бўлади. Агитаторлар кейинги кунларда муҳим ва актуал темаларда бирнеча суҳбатлар ўтказдилар. Айниқса, диннинг реакцион моҳияти, Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти йилларида эришган ютуқлари, хотин-қизларнинг колхоз ишлабчиқаришидаги роли ва бошқа темаларда ўтказган суҳбатларга кўп колхозчилар қатнашди. Агитаторлар дала шийпонларини безатишда партия ташкилотига яқиндан ёрдам бердилар. Натижада ҳарбир дала шийпони ҳархил плакатлар, портретлар, колхозчиларни мўл-ҳосил етиштиришга да'ват қилучи шиорлар блан кўркам қилиб безатилди.

Партия ташкилотининг етакчилигида колхозчилар кечки сабзавот экинларини парвариш қилиш, юлиш, памидор териш, қовун-тарвуз узиш нормаларини ошириб бажармоқдалар.

Н. РИХСИЕВ,
Я. МИРЗАЕВ.

### Партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилига тайёрланмоқдамиз

Марксизм-ленинизм назариясини эгаллаш партия а'зо ва кандидатлари учун энг муҳим ишдир. Улар марксизм-ленинизм назариясини эгаллаш блан партия сиёсатини чуқур тушуноладилар ва совет халқи олдида турган улуғвор вазифаларни бажаришга актив ҳисса қўшаоладилар.

Янгийўл шаҳар партия ташкилоти партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда бу соҳада ўтган йил йўл қўйилган хатоларни ҳисобга олиб, иш кўрмоқда. Чунки, ўтган йили ихтиёрийлик принципига кўп жойда амал қилинмаганлиги учун катта камчиликлар рўй берган эди.

Бу йил тўгараклар сони анча камайди, КПСС тарихи, сиёсий иқтисод ва философияни мустақил ўрганучилар сони сезиларли даражада кўпайди.

Биз янги ўқув йилига тайёргарликни бошлаб, пропагандистлар танлаш ва уларни тасдиқлаш ишини тугалладик. 1 сентябрьдан бошлаб шаҳар партия комитети ҳузурида доимоий ишлайдиган семинар ташкил қилинди. Яқинда ўтказилган семинарда Юсупов ва Полвонов ўртоқларнинг рефератлари муҳокама қилинди. Пропагандистларнинг рефератларини муҳокама қилиб туриш натижасида семинар самарали ўтмоқда.

Биз партия маорифи шохобчаларини комплектлаштирганда ихтиёрийлик принципига қаттиқ амал қилдик. Бу иш бошланғич партия ташкилотларида коммунистлар блан қизғин суҳбат ўтказиш асосида та'минланди. Шундай бўлишига қарамасдан айрим партия ташкилотларида бу йил ҳам юзакичиликка йўл қўйилди. Масалан, пахта заводи партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ткаченко ихтиёрийлик принципини бузиб, ба'зи коммунистларни ўз-ўзича тўгаракларга ёзиб қўйган. Шаҳар партия комитети бу камчиликни тугатди ва ҳарбир коммунист блан алоҳида суҳбатлашиш асосида тўгаракларини тузди.

Бу йил мустақил ўқучиларнинг сони кўпайганлиги муносабати блан шаҳар партия кутубхонаси ҳузурида доимий ишлайдиган лекторий ташкил қилинди. Ҳозир лекторийда ўқиладиган лекцияларнинг тематикаси тайёрланди. Бунда партия, совет активлари ва ўқитучилар лекция ўқийдилар. Ўқиладиган лекциялар олдиндан кўриб чиқиб, муҳокама қилинади.

2 сентябрьдан бошлаб кечки марксизм-ленинизм университетида машғулотлар бошланди. Университетнинг биринчи курсига партия ва совет активлари ҳамда ўқитучилардан 86 киши жалб қилинди. Ҳозирги вақтда биринчи курс ўқучилари «Коммунистик партия манифести — программ хужжатдир» деган темада ўтказиладиган семинар машғулотларига тайёргарлик кўрмоқдалар.

Шаҳар партия кутубхонаси марксизм-ленинизмни мустақил ўрганучиларга ёрдам бериш учун ўз ишини қайта қурди. Кутубхона кундуз соат 2 дан кеч соат 10 гача очиқ бўлади.

Октябрь ойида марксизм-ленинизм университетини илгари битириб чиққан ходимлар учун философия юзасидан бир ойлик махсус семинар ўтказилади.

Бу йил биз коммунистларнинг назарий билимини ошириш учун ва биринчи кунларданоқ ўқишларни уюшқоқлик блан ўтказиш учун қизғин тайёргарлик олиб бормоқдамиз.

ДУСМАТОВА,
Ўзбекистон КП Янгийўл шаҳар комитетининг секретари.

### Партия ташкилоти корхонанинг бир ме'ёрда ишлаши учун курашмоқда

Москва районидаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлабчиқарувчи артельнинг бошланғич партия ташкилоти ишчилар ўртасида социалистик мусобақани тобора кучайтирмоқда. Артель коллективи область ҳунармандчилик кооперацияси корхоналари ўртасида бошланган социалистик мусобақада актив қатнашиб, ойдан-ойга ишлабчиқариш планларини ошириб бажармоқда ва аҳоли учун кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Партия ташкилоти артельнинг бир ме'ёрда ишлашига эришди. Бу артель ўтган йилга нисбатан маҳсулот ишлабчиқаришни икки бараварга кўпайтиришга муваффақ бўлди. Партия ташкилоти агитаторлар кучидан тўлиқ фойдаланиб, ишчилар ўртасида байрам олди социалистик мусобақасини кенг кучайтириб юборди.

Бошланғич партия ташкилоти ҳарбир ишчининг унумли ишлаши учун керакли барча шароитларни яратди. Партия йиғилишида цехларни ўз вақтида ёқилғи ва ун блан та'минлаш масаласи тўғрисида артель раиси ўртоқ Абдуллаеванинг ҳисоботи эшитилди. Бу йиғилишда ҳарбир сменанинг иши атрофлича муҳокама қилинди ва ҳарбир ишчининг иш соатидан тўғри фойдаланиши зарурлиги уқтирилди.

Партия а'золари смена ва бригадаларда партия мажлиси қарорини бажариш учун актив кураш олиб бордилар, коммунистлар ишда авангард бўлдилар. Ўртоқ Еременко мастер бўлган цех макарон ишлабчиқариш кунлик планини 130—135 процентдан бажаришга эришди. Носир Абдуллаев, Абдулла Акбархўжаев, Қумри Тошмуҳаммедова, Тоштемир Бозорбоев каби коммунистлар агрегатлардан тўғри фойдаланган ҳолда астойдил ишладилар ва смена топшириғини 140—150 процентдан бажаришга муваффақ бўлдилар.

Ишлабчиқаришда партия ташкилоти ўзбек хотин-қизлари активлигини оширишга алоҳида э'тибор бермоқда. Муаззам Шоиноятова, Шарифа Усмонова каби ёш ишчилар малака ошириш курсларида ўқиб келдилар. Авваллари уй иши блан шуғулланиб юрган Ойниса Шамсиддинова, Насиба Мусаева, Хурсан Одилова каби аёллар ишлабчиқаришга тортилди ва тажрибали ишчиларга бириктилди. Тез вақт ичида улар ҳунар ўрганиб, унумли ишлайбошладилар.

Партия ташкилоти коммунистларнинг ишлабчиқаришдаги авангардлигини та'минлаб, илғор ишчиларнинг иш тажрибаларини кенг ёйиши орқасида коллектив ярим йиллик давлат планини ошириб бажарди. Артельга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳамда Ўзбекистон касаба союзлари советининг кўчма Қизил байроғи ва биринчи даражали пул мукофоти берилди.

Коллектив эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаб, йиллик планни СССР Конституцияси кунигача бажариш мажбуриятини олди. Артельда июль, август ишлабчиқариш планлари ошириб бажарилди. Социалистик мусобақани кучайтирган артель ишчилари 9 ойлик давлат планини 15 сентябрьдаёқ муваффақиятли бажардилар ва ой охиригача пландан ташқари 1,5 миллион сўм миқдорида озиқ-овқат маҳсулоти ишлабчиқариш учун курашмоқдалар.

Ўртоқ И. М. Блиндер 13 йилдан бери артель бошланғич партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлайди, у ҳарбир ишчининг ўз касбининг ҳақиқий мастери бўлиши учун яқиндан ёрдам беради, уларнинг фикрларига ўз вақтида қулоқ солади, ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Ҳар ҳафтада смена ва бригадаларда қилинган ишлар якунланади ва илғорларнинг иш тажрибалари оммалаштирилади. Партия ташкилоти агитаторлар орқали илғор технология процессларини пропаганда қилиш, иш вақтидан тўғри фойдаланиш, иш жойларини озода тутиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва иш унумини ошириш учун барча чораларни кўрмоқда. Натижада ишчиларнинг активлиги ошмоқда, аҳоли учун кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

М. ҒОЗИЕВ,
Я. МОРДУХАЕВ.

### Хотин-қизлар раҳбарлик ишларига кўтарилмоқда

Оҳангарон шаҳар партия ташкилоти хотин-қиз кадрларни тарбиялашга э'тиборни кучайтирмоқда. Кейинги вақтда кўпгина хотин-қизлар жамоат ва хўжалик ишларида актив қатнашмоқдалар. Зуҳра Каримова, Мария Хафизова ва Ольга Ахматова ўртоқлар 9-нчи шахта хизматчилари ўртасида катта обрў қозонганлар. Улар ишлабчиқаришдан ажралмаган ҳолда янги касбларни ўрганмоқдалар.

Ўтга чидам берадиган ғишт ишлаб чиқарувчи заводнинг қолипчиси Н. Халиулина ишлабчиқариш планини сифатли қилиб икки баравар ошириб бажарди. М. Сергеева қурилиш ишига ўз ҳиссасини қўшиб кунлик нормани 150 процент бажармоқда.

Ишда ўзини кўрсатган кўпгина хотин-қизлар раҳбарлик ўринларига кўтарилмоқда. Муборак Бобохўжаева оддий ишчидан бригадирлик вазифасига кўтарилди. Кўп ўтмай цех бошлиғи этиб тайинланди, эндиликда эса маҳаллий саноат комбинатининг директорлик вазифасида ишламоқда. Инженер Валентина Соловьева «Узбекуголь» тресги комбинатининг директорлигига, Шарифа Ғаффорова шаҳар советининг бўлим мудирлиги вазифасига кўтарилди.

Икки юздан ортиқ хотин-қиз ўқитучи ва врач бўлиб ишламоқда, 44 хотин-қиз эса область ва шаҳар советининг депутатларидир.

Ф. ПЕТРОВ.

### *Н. А. Островский юбилейи олдидан*

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиларининг Маданият саройида Н. А. Островскийнинг туғилганига 50 йил тўлишига бағишланган фотомонтаж ташкил қилинди. Фотоҳужжатлар гражданлар урушининг актив иштирокчиси, замонамизнинг ажойиб ёзучиси Н. А. Островскийнинг ҳаёти ва ижодини тўла акс эттиради. Фотоҳужжатлар «Болалик йиллари», «1925—1927 йиллар» «Гражданлар урушида иштирок этиши», «Островский бизнинг кунларда», «Островский асарлари халқ демократик мамлакатларида», «Островский ва ёзучилар» каби темаларга бағишланган.

Маданият саройига келучилар фотомонтажни зўр қизиқиш блан томоша қилмоқдалар.

Х. ҚАЮМОВ.

* * *

Яқинда Островский номидаги пионерлар саройида Николай Алексеевич Островский туғилган кунга 50 йил тўлиши олдидан ёзучининг ижоди ва ҳаётига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Кечада 37-нчи мактабнинг IX синф ўқучиларидан Света Ғаниева «Ёзучининг ҳаёти», Галя Рословцева «Ёзучининг ижоди», 116-нчи мактабнинг IX синф ўқучиси Умид Йўлдошев «Пўлат қандай тобланди» романи ҳақида» деган темаларда доклад қилдилар.

Кеча охирида «Пўлат қандай тобланди» деган кино фильм кўрсатилди.

М. МИРЗАҚОБИЛОВ.

* * *

Тошкент юридик институти коллективи отоқли рус ёзучиси Н. А. Островский туғилган куннинг 50 йиллигини нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Институтда ёзучининг ҳаёти ва ижодига бағишланган лекция ва суҳбатлар ўтказилаётир. Н. А. Островскийнинг ижоди ва ҳаётига бағишланган виставкада ёзучининг «Пўлат қандай тобланди», «Бўрон болалари» каби асарларидан намуналар бор. Шунингдек Островскийнинг ҳаёт йўлини тасвирлайдиган фото-монтаж ва фото-газеталарни студентлар зўр қизиқиш блан томоша қилмоқдалар.

А. ЧИНТОШЕВ,
А. АКБАРОВ.

* * *

ЧИРЧИҚ, (ЎзТАГ). Шаҳар жамоатчилиги отоқли совет ёзучиси Николай Островский туғилган куннинг 50 йиллигини кенг нишонлашга тайёрланмоқда. Шаҳар кутубхоналарида ёзучининг асарлари виставкалари очилди, унинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида лекция ҳамда суҳбатлар ўтказилмоқда. Шаҳардаги 1-нчи кутубхонада «Пўлат қандай тобланди» китоби бўйича китобхонлар конференциясини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётир. Шу кунларда шаҳар кинотеатрларида Н. А. Островский асарлари асосида яратилган кинофильмлар кўрсатилаётир.

* * *

Чиноз районидаги Пушкин номли 1-нчи ўрта мактабда Н. А. Островскийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Кечада мактабнинг тил ва адабиёт ўқитучиси Е. А. Сорокина «Н. А. Островский янги ҳаёт курашчиси» деган темада доклад қилди. 10-нчи синф ўқучиларидан С. Бобоева, Қ. Ғаниевлар ёзучининг асарларидан парчалар ўқиб бердилар. Шу куни Н. А. Островскийга бағишланган «Литературная газета» номли мактаб деворий газетасининг махсус сони чиқарилди.

Ана шундай адабий кечалардан яна бири Оржоникидзе районидаги М. Горький номли 2-нчи сон ўрта мактабда ҳам бўлиб ўтди. IX «А» синф ўқучиларидан Л Еронова, Л. Утишова, Л. Игнатьева ёзучининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида мазмунли доклад қилдилар.

С. МУМИНОВ,
Т. УРУНОВ.

### „Булар кичик цехлар“ эмиш

Маҳаллий саноат министрлигига қарашли Тошкент шаҳар Октябрь район саноат комбинати шаҳримиздаги кенг исте'мол моллари ишлаб чиқарадиган йирик корхоналардан биридир. Унинг 15 та цехида ишлаётган 500 дан ортиқ ишчи аҳолини кийим-кечаклар, рўзгор буюмлари ва қурилиш материаллари блан мўл-кўл та'минлаш учун самарали меҳнат қилмоқда.

Комбинат коллективи яқинлашиб келаётган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги ва Ўзбекистон ССРнинг шонли юбилейи шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, ишлабчиқаришда яхши натижаларга эришмоқда.

Комбинатнинг меҳнатсевар коллективи фидокорона меҳнат қилиб 8 ойлик давлат топшириғини ялпи маҳсулот бўйича ортиғи блан бажарди. Август ойи давлат плани 123,4 процент бажарилди. Ойлик ишлабчиқариш плани буюртма кийимлар тикиш цехида 224,4 процент, 1-нчи темирчилик цехида 192,5 процент, мих тайёрлаш цехида 131,4 процент ва 1-нчи рухлаш цехида 128,4 процент қилиб адо этилди.

Шубҳасиз, бундай юқори кўрсаткичларга эришиш комбинат коллективининг катта ютуғидир.

Аммо комбинат ишида катта камчиликлар ҳам бор.

Сиз комбинат директори В. Раҳмоновдан ёки комбинат партия ташкилотининг секретари Ҳ. Абдуманноновдан, ё бўлмаса бош инженер Ф. М. Матузовдан:

—Комбинатингизда ҳамма цехлар ҳам планини ошириб бажарадими?—деб сўрасангиз, уларнинг уччови ҳам бирдай жавоб берадилар:

— Комбинат бўйича ялпи маҳсулот ишлабчиқариш плани ойма-ойига ошириб бажарилмоқда.

—Ассортиментчи?

— Э, ассортиментни айлантириб нимэ қиласиз. Ишқилиб план бажарилса бўлди да. Биз асосий цехларга зўр берамиз. Ўшаларнинг иши яхши бўлса, план бажарилади, ёмон бўлса —йўқ. Уч-тўртта майда цехларимиз бор, улар номига цехлар. Улар планни ҳал қилмайди, —дейишади.

Мана шундай «майда» цехларга комбинат раҳбарлари кўпдан бери сра аҳамият бермай келаётирлар. Бу фикрни тасдиқлаш учун август ойидаги аҳволни кўрсатиш кифоядир. Шу ойда тунукасозлик цехи ойлик ишлабчиқариш планини 91,2 процент, эгар-жабдуқ цехи 56 процент, оёқ-кийим цехи 76 процент, 6-нчи ун тегирмони 60 процент, темирчилик цехи эса 36 процент бажардилар, холос. Комбинат бўйича шундай «майда» цехлардан 8 таси ўз планини бажармай, давлатга шу ойда 128 минг 900 сўмлик кам маҳсулот берди. Бундай кўнгилсиз аҳвол комбинат раҳбарларининг бу цехларни менсимасликлари орқасида юз берди.

Бу цехларда ишчи кучи ҳам, машина ва асбоб-ускуналар ҳам етарли, фақат хомаш'ё етишмайди. Комбинат та'минот бўлимининг бошлиғи ўртоқ Хўжаев ҳам директор Раҳмонов сингари барча цехларни «суюкли» ва «ўгай»та ажратиб қўйган. Унингча юқорида кўрсатилган 8-та цех «майда» цехлардан ҳисобланади. Бу цехларнинг бошлиқлари қанча талаб қилсалар ҳам Хўжаев турли важ кўрсатиб, уларга ўз вақтида хомаш'ё етказиб бермайди. Хўжаевдан ранжиган цех бошлиқлари директор Раҳмоновга, партия ташкилотининг секретари Абдуманноновга ёки бош инженер Матузовга шикоят қилсалар, улар, бўш машина бўлмаганлиги сабабли сизларга керакли нарсаларни ўз вақтида элтиб берзолмаётирмиз, деган баҳоналарни кўрсатадилар. Хуноб бўлган цех бошлиқлари:

— Ахир, биз ишчиларга нима деймиз, улар ишсиз ўтиришипти-ку? Нега барча цехларни баробар кўрмайсизлар?!—деб ҳаққоний талаб қилсалар, директор Воси' Раҳмонов:

—Бўлмаган гапни гапирманг, биз учун барча баробар,—деб жеркиб беради. Агар комбинат раҳбарлари барча цехларни баробар кўрсалар, барчасига бирдек аҳамият берсалар, нима учун 1-нчи рухлаш цехи ўтган ойда ойлик планини 128,4 процентга етказиб бажаргани ҳолда, худди шу хилдаги маҳсулот ишлаб чиқаручи 2-нчи рухлаш цехининг ишчилари планни 72,4 процентга зўрбазўр етказиб, 85 минг 300 сўмлик кам маҳсулот бердилар? Нима сабабдан 1-нчи цех складида хомаш'ё ошиб-тошиб ётипти-ю, 2-нчи цех рухловчилари учун хомаш'ё етишмайди? Агар ҳар икки цех тенг та'минланганда, 2-нчи цех коллективи ҳам ойлик топшириқни ортиғи блан бажармасмиди?

Агар комбинат раҳбарлари планни барча кўрсаткичлар бўйича бажариш тўғрисида қайғирсалар, нега оёқ-кийим, тунукасозлик, эгар-жабдуқ цехлари ўз вақтида зарур хомаш'ёлар блан та'минланмайди? Наҳотки Раҳмонов, Матузов, Абдуманнонов ва Хўжаев ўртоқлар партия ва ҳукуматимизнинг ҳарбир корхона барча кўрсаткичлар бўйича белгиланган программани бажариши шарт, деган кўрсатмаларини билмасалар?

Райпромкомбинат раҳбарлари исте'молчилар учун хилма-хил сифатли маҳсулотлар зарурлигини, бу маҳсулотларнинг катта ёки кичик цехда тайёрланиши уларни кам қизиқтиришини тушуниб олишлари керак. Улар айрим цехлар ҳисобига эмас, балки барча цехлар ҳисобига давлат планини ошириб бажаришга эришиш учун курашишлари лозим.

Х. ЖАЛИЛОВ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

### „Комбинат қурилиши қачон тамомланади“

Газетамизнинг шу йил 23 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилиб, унда Ўзбекистон ССР Кенг исте'мол саноат моллари министрлигига қарашли ипак комбинати қурилишида сур'атнинг ниҳоятда сустлиги, қурилиш-монтаж бошқармасининг раҳбарлари мавжуд имкониятлардан фойдаланмай келаётганликлари кўрсатилган эди.

Тошкент шаҳар партия комитетидан редакцияга хабар қилинишича, текширишда газетада кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Шаҳар партия комитети қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғига ва бошланғич партия ташкилотига ипак комбинатининг қурилишига 1954 йил учун ажратилган маблағни ўзлаштириш, механизмдан унумли фойдаланиб, қурилиш сур'атини тезлаштириш ва ишчи, хизматчилар ўртасида сиёсий-оммавий ишларни кучайтириш тўғрисида кўрсатма берган.

### „Харидорлар талаби ҳисобга олинмаётир“

Газетамизнинг шу йил 12 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилиб, унда Пискент район савдо ташкилотлари ҳозирги талаб даражасида ишламаётганликлари, харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олмаётганликлари, айрим ерларда совет маданий-савдо қоидаси бузилаётгани ва бошқа камчиликлар кўрсатилган эди.

Тошкент область матлубот союзи правлениеси раисининг ўринбосари ўртоқ Ашрафхонованинг редакциямизга хабар қилишича газета материали юзасидан текшириш ўтказилиб, унинг натижаси Пискент район матлубот союзи правлениесида муҳокама қилинган ва мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланган.

Район матлубот союз правлениеси харидорбоп хилма-хил моллар келтириш, маданий-савдо қилиш ва туриб қолган молларни тез вақт ичида сотдириш тадбирини кўрган ҳамда ўз вазифасига мас'улиятсизлик блан қараб келган товаровед Шайдуллинни ишдан бўшатган.

## *Абу Али ибн Сино илмий меросининг клиник хирургиядаги аҳамияти*

Ҳ. Ғ. ҒАФУРОВ,
медицина фанлари доктори

Ибн Синонинг жаҳон фани хазинасига жуда катта ҳисса қўшганлиги ма'лум. Унинг ижодий фаолияти ўзининг хилма-хиллиги блан ажралиб туради. Олим айниқса медицина соҳасида катта шуҳрат қозонди. Гиппократ мактабининг традициялари блан тарбияланган Гален ва Ўрта асрда яшаган машҳур врач ҳамда химик Абу Бакир Муҳаммад ибн Зикриё Ал Рози ҳамда Али ибн Ал Аббос Ал Мажусий ишларини ижодий тарзда ўзлаштирган ибн Сино бу бой меросларни ўзининг врачлик тажрибалари ва кузатишлари блан бойитиб, янада юксак даражага кўтарди. Ибн Синонинг медицинага доир дун'ёқараши оргиналлиги блан ажралиб туради. У ўзидан илгари ўтган олимларнинг илмий меросларини ўз тажрибалари асосида қайтадан ишлаб чиқди.

Машҳур ватандошимизнинг мероси Совет медицина фани арбоблари учун жуда қимматли манба'дир.

Ибн Сино ўзининг медицина соҳасидаги асосий асари «Алқонуни фит-тиб» (медицина билимлари қонуни) блан дун'ёга машҳур бўлди. Бу асар 700 йил давомида фақат Шарқ врачларининггина эмас, балки бутун дун'ё врачларининг ҳам бирқанча авлодини медицина соҳасида тарбиялаб келди.

«Алқонун» бешта китобдан иборат бўлиб, медицина фанининг турли соҳаларига, чунончи анатомия, диагностика, терапия, хирургия, патология, доришунослик, диэтетика, гигиена, касални парвариш қилиш ва ҳоказоларга оид бирқанча бўлимларни ўз ичига олади. «Алқонун»нинг биринчи китоби медицинанинг умумий масалаларига бағишланган. Бу биринчи китоб блан яқиндан танишиш Абу Али ибн Синонинг дун'ёқараши мунтазам дун'ёқараш эканлигини кўрсатади. Бу китоб катта форматли 222 саҳифадан иборат бўлиб, 4 қисмга бўлинади. Бу китобда суюқлик — ширалар (хилт) ва темперамент (мижоз) ҳақидаги та'лимот ёритилган. Бу китобда одам организмининг тузилиши ҳақидаги билимларга катта ўрин берилган. Ибн Сино одам скелетининг структурасини мукаммал билган ва ўз асарида мускуллар, бўғинлар, пай, бойламлар, марказий ҳамда периферик нерв системаси, қорин ва кўкрак бўшлиғидаги органларнинг тузилиши ҳамда функцияларини тўла ёритган.

Ибн Сино ўзининг «Алқонун» китобида бош мия ва орқа мия организмнинг соғлик ва патологик ҳолатларидаги фаолиятида иштирок этади, деб бирнеча марта та'кидлаб ўтади. СССР Фанлар Академиясининг корреспондент а'зоси, марҳум профессор А. Ю. Якубовский ибн Синонинг анатомияни жуда яхши билганлигини қайд қилиб, бундай деб ёзади: «Ибн Сино ўликларни ёриб кўрмаган бўлса, одам гавдасининг тузилишини шу қадар яхши билаолармиди? Текширишнинг энг ишончли бирдан-бир йўли бўлган бу усулни ибн Сино яширинча қўллаган деб ўйламоқ керак».

Ислом дини ва унинг ҳамма бид'атларини тарғиб қилучи реакцион руҳонийлар ҳукмронлик қилган даврда ибн Синонинг бу иши унинг ақл-идрок курашчиси, хурофот ва диний-мистиканинг душмани эканлигидан гувоҳлик беради.

Биринчи китобнинг иккинчи қисми касалликларнинг сабаблари ҳақидаги масалага ва умумий диагностикага бағишланган. Автор китобнинг бу қисмида соғломлик ва касаллик белгиларини тасвир этишга катта аҳамият берган. Ундан кейин «Пульс ҳақида та'лимот» ҳамда «Сийдик ва нажасни текшириш» ҳақида ма'лумот берилган.

Биринчи китобнинг учинчи қисми касалликларнинг олдини олиш чораларини баён қилади. Тасвир этилган бу профилактик тадбирлар ўзининг жуда ҳам ма'қул ва мақбул эканлиги блан кишини ҳайратда қолдиради. Бу тадбирлар шу кунгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Автор соғлиқни сақлашнинг асосий шарти ёш ва мижозга қараб режимга қаттиқ риоя қилишдир, деб ҳисоблайди. Ибн Сино баданнинг тозалигига, овқатланиш режимига, исте'мол қилинадиган овқат ва ичимликнинг сифат ва миқдорига, жисмоний машқларга катта э'тибор беради.

Биринчи китобнинг тўрттинчи қисми умумий касалликларни даволаш усулларининг классификациясига бағишланган.

Абу Али ибн Сино «Алқонун»нинг тўртинчи китобида турли касалликларни хирургик усуллар блан даволашга тўхталиб ўтади. Абу Али ибн Сино тасвирлаган барча хирургик методларни бу кичкина мақолада тўла ёритаолмаймиз. Биз, ибн Синонинг ўзи муваффақиятли равишда қўллаган ба'зибир операция усулларидан ўқучини хабардор қилмоқчимиз, холос.

Абу Али ибн Сино куйишни икки хилга — алангадан куйишга ва қайноқ сувдан куйишга бўлади ва бунда биринчи ва иккинчи даражали куйишнинг клиник манзарасини тўла тасвирлаб беради. Куйишнинг биринчи даражасида эритема — қизариш бўлади, иккинчи даражасида эса пуфакчалар пайдо бўлади. Ибн Сино, куйишнинг биринчи соатларидаёқ дарров даволашга киришишни тавсия этади. Даволаш кечиктириладиган бўлса, ибн Синонинг фикрича, куйган а'зода ва ички органларда турли оғир касалликлар пайдо бўлади.

Абу Али ибн Сино куйишнинг биринчи даражасини пишган оқ ғиштнинг кукуни, арман тупроғи, тухум оқи ёки сариғи блан даволаб, яхши натижа олган. Куйишнинг иккинчи даражасида сирка, атргул суви, опий, прован мойи ва ўсимлик мойларини ишлатган.

Ибн Сино елка суяги чиққанида елка бўғими шаклининг ўзгаришига, қўлнинг ҳаракатланмай қолишига, елка суяги бошчасининг қўлтиқ томонга сурилишига, елканинг танадан узоқлашганига ва чиққан суякни тортганда пружинасимон ҳаракат бўлишига э'тибор беради. Ибн Сино чиққан суякни куч блан тўғрилаб жойига солган.

«Алқонун»нинг диагностика ва суяк чиқишини даволашга бағишланган боби диққатга сазовордир. Ибн Сино суякнинг очиқ ва ёпиқ синишини фарқ қилади. У, суякнинг ёпиқ синишида бўладиган крепитация (шиқирлаш) каби симптомга алоҳида э'тибор берган ва уни «хаш-хаш» деб атаган. У, крепитация суякнинг тўла синганини кўрсатади, деб ҳисоблаган.

Ибн Сино, синган суякни даволашда суяк бўлакларини тортиб ва учма-уч келтириб, тахтакачлаб тузатган. «Синган қўл-оёқни жуда оҳисталик блан тортиш керак, — деб ёзади ибн Сино, — қаттиқ тортиш қон томирларининг узулишига ва қўл-оёқнинг ириб кетишига сабаб бўлиши мумкин, нервлар узилса — қўл-оёқ палаж бўлиб қолади». У, қўл-оёқ ириб кетганда кесиб ташлаш лозим, деб тавсия этади. Абу Али ибн Сино синган суякни даволашда суяк бўлакларини эртароқ тўғрилаб олишга катта аҳамият беради. У, синган суяк бўлакларини тўғрилаб олгандан кейин қўл-оёқнинг соғлом жойини қўшиб тахтакачлашни тавсия қилади. Бунда тахтакач қаттиқ қисиб боғланган бўлса қон айланишини бузиб, қўл-оёқнинг иришига сабаб бўлиши мумкин, бўш боғланган бўлса, суяк бўлакларининг бир-биридан узоқлашишига ва натижада синган суякнинг битмаслигига сабаб бўлади, деб уқтиради.

Абу Али ибн Сино ўзининг «Алқонун» китобида жароҳатларни даволаш масаласига муфассал тўхталади. У жароҳатларни, янги (йирингсиз) ва йиринглаган жароҳатларга бўлади. Жароҳатларни даволашда, уни дока блан ёпишни маслаҳат беради. Бундай бойлаш жароҳатни ифлосланишдан сақлайди, деб ҳисоблайди.

Абу Али ибн Сино жароҳатнинг сувини тортиш учун найча ва дока пилик ишлатган, шунингдек вино, кипарис баргининг қайнатмаси, нинабарг суви ва винода эритилган кўк ёнғоқ сувига дока ҳўллаб қўйган. Вино ва турли ўсимликлар дамламасининг антисептик (юқумсизлантиручи) та'сир этиши ибн Синога ма'лум бўлган деб ўйламоқ керак.

Ибн Сино абсцесс ва флегмоналарни даволашда хирургик усулни кенг қўллаган, уларни ёриш учун ланцет (ниш) ишлатган. У, флегмона ва абсцессларни мускул толаларининг йўналишига қараб ёриш керак, дейди ва қон томир ҳамда нервларни кесиб юбормаслик учун уларнинг топографиясини билиш лозим, деб та'кидлайди. Абсцесс ва флегмона бўшлиғига найча ва дока пиликдан яхшилаб дренаж қўйиш керак, деб тавсия этади.

«Алқонун»да қовуқ (сийдик пуфаги) даги тошни хирургик йўл блан олиб ташлаш, қовуқни ҳайвонлар терисидан тайёрланган эгилучан — юмшоқ (эластик) катетер блан катетеризация қилиш муфассал ёзилган.

Юқорида айтилганлардан ташқари, ибн Сино бурун бўшлиғи касалликларини ҳам (полипни олиб ташлашни) ва оғиз касалликларини (чириган тишларни даволаш ва олиб ташлашни) ҳам билган. У, тилнинг ёмон сифатли ўсмаларини операция йўли блан олиб ташлаш керак, деб тавсия қилади ва шунингдек гавданинг бошқа жойларида учрайдиган ёмон сифатли ўсмаларни операция қилиш усулларини тўла тасвирлайди. Ўсма блан бирга унинг атрофидаги тўқималарни анча нарисидан кесиб олиб ташлашни ибн Сино асосий қоида деб ҳисоблайди ва бунда қон томирларини ҳам олиб ташлашни тавсия қилади. Касаллик рецидивининг олдини олиш учун ибн Сино ўсмани кесиб олиб ташлашдан кейин ҳосил бўлган жароҳатни қизитиб чўғ қилинган темир блан куйдириш керак, деб тавсия этади. Ибн Сино перитонитда қоринни ёришни ва йирингни чиқариб юбориш учун қорин бўшлиғига дренаж қўйишни таклиф қилади. У бовосил тугунларини операция йўли блан олиб ташлашни ҳам тўла тасвирлайди.

Жароҳатларни тикишда Абу Али ибн Сино аёлларнинг сочи, ипак ва оддий иплардан фойдаланган.

Абу Али ибн Сино кўпинча хирургик операцияларда оғриқ қолдириш усулини қўллаган. Бунинг учун белладонна, қоҳу уруғи, опий, манрагори қайнатмаси, вино ва шу каби оғриқ қолдиручи моддалардан фойдаланган. Абу Али ибн Сино «организмда қон кўпайиб кетганда», «қон касаллигида, я'ни қоннинг сифати бузилганда», ва шунингдек «ўпкадан қон кетганда» қон чиқариш фойдали деб билган. Ибн Сино венесекция қилиш йўли блан қон чиқарган «венесекция қилишдан олдин венесекция қилинадиган жойнинг юқорисига жгут қўйиб ва сиқиб қон томирларини қонга тўлатиш керак» деб талаб қилади.

Беморни операция қилиш учун тайёрлашга ибн Сино катта аҳамият берган. У, сурги дори бериб беморнинг ичини яхшилаб тозалаш керак, деб талаб қилади; ба'зан у операция қилишдан олдин бемордан қон чиқарган ва махсус парҳиз буюрган. Ибн Сино қандай касалларни операция қилиш ва қайсибирларини операция қилмаслик устида муфассал тўхталиб ўтади.

Абу Али ибн Синонинг клиницист-хирург эканлиги ва ўзининг билим даражаси блан давридан бирқанча асрлар олға кетганлиги юқорида баён қилинганлардан равшан кўриниб турипти. Кўп четэл авторлари Абу Али ибн Сино хирургия блан шуғулланмаган, деб да'во қиладилар. Юқорида келтирилган мисоллар бу фикрнинг тамомила нотўғри ва ҳақиқатга хилоф эканлигига шубҳа қолдирмайди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида, Коммунистик партия раҳбарлиги остида мамлакатимизда фан, маданият ва сан'ат чинакамига ривож топди. Ўтмишда ибн Сино каби буюк фан арбобларини етиштириб чиқарган Ўрта Осиё халқларининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти йилдан-йилга гуллаб-яшнамоқда.

